



“Тасдиқлайман”

“Қашқадарё сув таъминоти”

МЧЖ бош муҳандиси

Т.Якубов.

2022 йил.

ИЧИМЛИК ТАРМОҚЛАРИ ВА ИНШООТИ ҚУРИЛИШИ

ТЕХНИК ШАРТ № 315

Буюртмачи: Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси.

Иншоотнинг номи: Кўкдала туман “Яшилтепа” маҳалласи Абдулла Орипов ва Шароф Рашидов кўчаларида ичимлик сув тармоқлари қурилиши.

Манзили: Кўкдала туман “Яшилтепа” маҳалласи Абдулла Орипов ва Шароф Рашидов кўчалари.

I. ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҒИГА УЛАНИШ БУЙИЧА.

1. Ичимлик сув тармоғига уланадиган жой: “Яшилтепа” маҳалласи Абдулла Орипов ва Шароф Рашидов кўчаларини ичимлик сув билан таъминлаш учун, қишлоқлар ҳудудида гидрогеологлар ҳулосасига асосан янги артезиан қудуқлари қазилар ва тўлик жихозлаш, сув минораси қуриш, ТП ўрнатиш, қудуқлар атрофини санитар химоя зонаси билан ўраш, бактерицид қурилмаси ўрнатиш ҳамда ичимлик сув тармоқлар тортиш лойиҳада аниқлансин.

2. Уланадиган ичимлик сув қувири диаметри: Гидравлик ҳисоб-китобга кўра аниқлансин.

3. Истеъмолчи ичимлик сув тармоғига уланган нуқтага қузатув қудуғи қурилсин ва зулфин (задвижка) ўрнатилсин.

4. Уланиш нуқтасига замонавий сув ўлчаш асбоби ўрнатилсин (уланган нуқтага ва ҳар бир хонадонга).

II. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

1. Лойиҳалаштирилаётган ичимлик сув тармоғи чуқурлиги ва ўрни топотасвир ёрдамида аниқлансин, тармоқ чуқурлиги ва ўрнини белгилашда мавжуд ичимлик сув тармоқларининг жойлашуви ва чуқурликлари инобатга олинсин.

2. Ажратилган ер майдонида қурилиш даврида ёнидан ўтувчи ичимлик қувурларини муҳофаза зонасини сақлаш шарт.

3. Техник шарт лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш учун берилди.

4. Ичимлик сув қувири тармоғининг тайёрланган дастлабки ЛСХ “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ билан келишилсин.

5. Техник шартнинг амал қилиш муддати берилган кундан бошлаб икки йил.

Асос: “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Қашқадарё вилояти филиалининг 25.10.2022 йилдаги №782-сонли хати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 апрелдаги №408-сонли қарори, Кўкдала туман сув таъминоти филиалининг 31.10.2022 йилдаги №10-18/ю-31-сонли техник ҳулосаси.

ИЧТБ бошлиғи

К.Қўйбоқоров